АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА МОҲИГУЛ МАТЁҚУБ ҚИЗИ

ОЛИНАДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

УЎК: 616.31-002.2+616.314-089.23

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Расулова Моҳигул Матёқуб қизи
Олинадиган тиш протезлари билан протезлашда келиб чиқадиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қават касалликларини даволашни такомиллаштириш 3

Расулова Мохигул Матёкуб кизи
Совершенствование лечения заболеваний слизистой оболочки полости рта, возникающих при протезировании съёмными зубными протезами 25

Rasulova Mohigul Matyoqub qizi
Improving the treatment of oral mucosal diseases arising from prosthetics with removable dentures 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....52

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА МОҲИГУЛ МАТЁҚУБ ҚИЗИ

ОЛИНАДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4115 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Саидов Акбар Аҳадович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хабибова Назира Насуллоевна** тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор
	Хабилов Ниғмон Луқмонович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**И.К. Ахунбаев номидаги Қирғиз давлат тиббиёт академияси** (Қирғизистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026-йил «25» ноябрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел.: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 91 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2026-йил «16» ноября куни тарқатилди.

(2026-йил «16» ноября даги 47 рақамли реестр баённомаси)

Ш.Т. Уроқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда стоматология соҳаси ривожланаётганига қарамай, ортопедик конструкцияли олинадиган протезларга муҳтож беморларни самарали таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «…олинадиган протезлар таъсирида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида ривожланадиган протез стоматити — протез остида шаклланган қулай шароитда Candida (асосан Candida albicans) замбуруғларининг кўпайиши натижасида юзага келадиган кенг тарқалган яллиғланиш жараёнидир…»[1]. Аҳолининг қариши ва тишсизликнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ ҳолда олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморлар сони йилдан-йилга ортиб борган, протез стоматити эса уларнинг 20–80% ида учраб, протездан фойдаланиш сифатини пасайтирган. Яллиғланиш ривожланишида протез гигиенасининг етарли эмаслиги, протез юзасида микробиал биоплёнка шаклланиши, *Candida* туркуми замбуруғлари ва шартли патоген бактериялар колонизацияси етакчи ўрин тутиши аниқланган. Анъанавий антисептик ва антифунгал воситалар резидент микрофлорага салбий таъсир кўрсатиши, замбуруғлар чидамлилиги ортиши ва касалликнинг қайталаниши кузатилган. Шу боис хавфсиз, арзон ва самарали ўсимлик асосидаги воситаларни даволаш амалиётига жорий этиш стоматологиянинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланган.

Дунё миқёсида протез стоматитини даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб клиник ва микробиологик тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, протезни кимёвий ва механик тозалаш усуллари, протез базиси материалларини такомиллаштириш, антифунгал воситаларни маҳаллий ва тизимли қўллаш, фотодинамик терапия ҳамда ўсимлик экстрактлари асосидаги воситаларнинг самарадорлиги ўрганилган. Сўнгги йилларда яллиғланишга қарши, антимикроб ва регенератив хусусиятларга эга бўлган ўсимлик препаратларига, жумладан таркибида глицирризин кислотаси ва флавоноидлар сақловчи қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизига қизиқиш ортиб борган. Бироқ олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморларда бундай воситаларнинг клиник ва микробиологик самарадорлиги, беморлар ҳаёт сифатига таъсири ҳамда уларни базавий ортопедик-гигиеник чора-тадбирлар билан биргаликда қўллаш тартиби етарлича асосланмаган. Бу эса протез ости шиллиқ қавати яллиғланишини даволашнинг хавфсиз ва патогенетик асосланган комплекс усулини ишлаб чиқишни зарур қилиб қўйган.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва стоматологик хизмат сифатини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилган.

[1] Оруджова А.Н., Кубрикова Ю.В., Соколовская Л.Н. ва бошқ. Протезный стоматит и этиология образования // Медицинский алфавит. – 2024. – № 1. – С. 93–97. https://doi.org/10.33667/2078-5631-2024-1-93-97

Хусусан, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг янгиланган таҳририда[2] аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами қамровини кенгайтириш ва ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилаган.

Мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 16-февралдаги ПФ-21-сон «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2026-йил 5-майдаги ПФ-77-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2024-йил 5-сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2025-йил 19-майдаги ПҚ-185-сон «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Протез ости шиллиқ қаватидаги патологик ўзгаришлар кўп омилли бўлиб, уларнинг ривожланишида протез гигиенасининг етарли эмаслиги, протезнинг шиллиқ қаватга мослашуви бузилиши, микробиал биоплёнка ҳамда шартли патоген микроорганизмлар колонизацияси асосий омиллар сифатида баҳоланган (Perić M. ва ҳаммуаллифлар, 2024). Тўлиқ олинадиган протездан фойдаланувчи беморларда протез стоматитининг кенг тарқалганлиги ва касаллик ривожланишида протездан фойдаланиш муддати ҳамда гигиеник парвариш сифатининг ҳал қилувчи аҳамияти кўрсатилган (Packyanathan J.S. ва ҳаммуаллифлар, 2020). Маҳаллий тадқиқотчилар протездан узоқ муддат фойдаланишда протез ости муҳитида микробиоценоз мувозанати бузилиши ва сурункали яллиғланиш ривожланишини (Бердалиев А.Ш., Эргашев Б.Ж., 2025), кекса ёшдагилар орасида адентиянинг кенг тарқалганлигини (Нуров Н.Б., 2023) кўрсатиб берган; бироқ бу ишларда гигиеник омиллар асосан хавф омили сифатида сифат жиҳатидан баҳоланган, протез гигиена индекси ва оғиз бўшлиғи гигиенаси кўрсаткичларининг яллиғланиш оғирлиги билан миқдорий корреляцион боғлиқлиги, шунингдек тишсизлик тури, протездан фойдаланиш

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 16-февралдаги ПФ-21-сон «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/8050769

муддати ва бемор ёшининг шиллиқ қават ўзгаришларига таъсири комплекс ўрганилмаган.

Candida albicans колонизациясини критик даражадан пасайтириш касалликнинг қайталаниш хавфини камайтириши (Abuhajar E. ва ҳаммуаллифлар, 2023), чекиш эса қўшимча хавф омили экани (Sardari F. ва ҳаммуаллифлар, 2021) қайд этилган. Протез юзасидаги микробиал биоплёнка ва *Candida* туркуми замбуруғларининг фаол колонизацияси протез стоматитининг ривожланиши ва қайталанишида етакчи патогенетик механизм экани (Чеснокова М., Миронов А., 2024; Оруджова А.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2024), микроорганизмлар адгезияси ва вирулентлигининг ортиши протез ости тўқималарида сурункали яллиғланишни шакллантириши (Shulyatnikova O.A. ва ҳаммуаллифлар, 2024) кўрсатилган.

Шу боис протез стоматитини даволаш микробиологик ва маҳаллий этиопатогенетик омилларга комплекс таъсир кўрсатишни талаб этиши таъкидланган (Abuhajar E. ва ҳаммуаллифлар, 2023). Бироқ халқ табобати воситаларидан, хусусан, олинадиган протезлар билан боғлиқ шиллиқ қават яллиғланишини даволашда қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи дамламасидан фойдаланишнинг клиник ва микробиологик самарадорлиги ва беморлар ҳаёт сифатига таъсири назорат гуруҳли клиник тадқиқотларда етарлича ўрганилмаган; бу мазкур диссертация тадқиқотининг зарурлигини белгилаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги (10.2026.PhD.345) «COVID-19 билан касалланганидан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2022–2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олинадиган тиш протезлари билан протезланганда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги яллиғланиш ўзгаришларининг клиник, гигиеник ва микробиологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олинадиган тиш протезлари билан протезланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг клиник ҳолатини баҳолаш ва патологик ўзгаришларни аниқлаш;

беморларнинг оғиз бўшлиғи гигиенаси, протез юзасининг гигиеник ҳолати ва оғиз суюқлигининг функционал кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда уларнинг шиллиқ қават касалликлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

оғиз бўшлиғи микробиологик таркибини аниқлаб, унинг яллиғланиш жараёнларига таъсирини баҳолаш;

халқ табобати асосидаги (қизилмия илдизи дамламаси) даволаш усулининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланишида клиник ва микробиологик самарадорлигини ҳамда беморлар ҳаёт сифатига таъсирини

анъанавий даволаш билан қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2023-йил январь ойидан 2025-йил декабрь ойигача бўлган даврда Бухоро давлат тиббиёт институтига қарашли Стоматология ўқув-илмий-амалий марказига қисман ва тўлиқ тишсизлик ташхиси билан мурожаат қилган 45 ёшдан 74 ёшгача бўлган 131 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида олинадиган тиш протезлари билан протезланганда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида юзага келадиган яллиғланиш ўзгаришларининг клиник, гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлари, шунингдек уларни даволашда қўлланиладиган терапевтик воситаларнинг таъсири ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник текширув, гигиеник баҳолаш, оғиз суюқлиги pH-ини аниқлаш, микробиологик текширув, антропометрик ўлчов, тиббий-ижтимоий сўров ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олинадиган тиш протезлари билан протезланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланишининг клиник кечиши протез тури, ундан фойдаланиш муддати ва бемор ёшига боғлиқ ҳолда комплекс ўрганилиб, ушбу омиллар билан патологик ўзгаришлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

оғиз бўшлиғи ва олинадиган протезлар юзасининг гигиеник ҳолати кўрсаткичлари ҳамда шиллиқ қават яллиғланишининг оғирлик даражаси ўртасидаги статистик жиҳатдан ишончли корреляцион боғлиқлик илк бор аниқланиб, гигиеник омилларнинг патогенетик роли тасдиқланган;

олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморларда оғиз бўшлиғининг микробиологик ҳолати аниқланиб, ажратиб олинган микроорганизмларнинг шиллиқ қават яллиғланиши ривожланишидаги этиопатогенетик аҳамияти асосланган;

олинадиган протезлар билан боғлиқ оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланишини даволашда халқ табобати асосидаги комплекс даволаш усули ишлаб чиқилиб, унинг клиник самарадорлиги анъанавий даволаш усуллари билан қиёсий таққослаш асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинадиган протезлар билан протезланган беморларда шиллиқ қаватдаги яллиғланиш ўзгаришларининг клиник кўриниши, жойлашуви ва тарқалганлиги ўрганилиб, патологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва яллиғланиш оғирлигини объектив баҳолаш имконини берувчи клиник-диагностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларнинг оғиз бўшлиғи ва олинадиган протез юзаси гигиеник ҳолатининг шиллиқ қават яллиғланиш касалликлари билан бевосита боғлиқлиги илмий асосланиб, олинадиган протезлардан оқилона фойдаланиш, уларни мунтазам тозалаш ва парвариш қилиш бўйича касаллик профилактикасини таъминловчи амалий гигиеник тавсиялар таклиф этилган;

олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморларда оғиз бўшлиғи

микробиоценози ўрганилиб, яллиғланишни келтириб чиқарувчи асосий микроорганизмлар — *Candida* туркумидаги замбуруғлар ва шартли патоген микрофлора аниқланган, бу эса мақсадли (этиотроп, шу жумладан антифунгал) даволашни асосли танлаш имконини берган;

қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи дамламаси асосидаги такомиллаштирилган комплекс даволаш усулининг анъанавий даволашга нисбатан самаралироқ экани, клиник белгиларнинг 3–7-кунданоқ сусайиши ва усулнинг маҳаллий, арзон хомашёга асосланиши аниқланиб, уни амалиётга жорий этиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли ҳажмдаги клиник ва микробиологик материал танланганлиги, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар қўлланилгани, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланган ҳамда хулоса ва амалий тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган. Барча хулосалар ва амалий тавсиялар асосли бўлиб, олинган ишончли натижалардан мантиқан келиб чиққан.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинадиган тиш протезлари билан протезлашдан сўнг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида юзага келадиган яллиғланиш ўзгаришларининг клиник, гигиеник ва микробиологик хусусиятлари комплекс асосланган ҳамда халқ табобати асосидаги даволаш усулининг самарадорлиги қиёсий тадқиқотда исботланган билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, яллиғланишни тезроқ бартараф этиш, репаратив жараёнларни жадаллаштириш ва протездан оғриқсиз, узоқ муддат фойдаланишни таъминловчи, амалиётда қўллаш мумкин бўлган такомиллаштирилган даволаш усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий-тадқиқотлар, стартаплар ва инновацион фаолиятни Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг диссертация натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилганлиги бўйича 2026-йил 20-августдаги Х83-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: олинадиган тиш протезлари билан протезланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланишининг клиник кечиши протез тури, ундан фойдаланиш муддати ва бемор ёшига боғлиқ ҳолда комплекс ўрганилиб, ушбу омиллар билан патологик ўзгаришлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* шиллиқ қаватдаги яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришларни тишсизлик тури, протездан фойдаланиш муддати ва бемор ёшига боғлиқ ҳолда дифференциал баҳолаш имконини берувчи клиник-диагностик мезонлар ҳамда тишлов (окклюзион) баландлигини антропометрик баҳолаш тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* «Олинадиган тиш протезларининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси (Абу Али ибн Сино

номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025-йил 27-декабрдаги №25-m/380-сон қарори билан тасдиқланган) асосида олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти Стоматология поликлиникаси (2026-йил 28-мартдаги 39-сон буйруқ) ҳамда Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси давлат муассасаси (2026-йил 3-апрелдаги 16-сон буйруқ) клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* мезонлар асосида текширилган 131 нафар беморда гиперемия ва шиш 100%, эрозия, қонаш ва атрофик ўзгаришлар қисман тишсизликда 81,4–95,8%, тўлиқ тишсизликда 89,5–100% ҳолатда аниқланган; патологик ўзгаришларни эрта аниқлаш протездан кейинги асоратлар ва такрорий мурожаатларнинг олдини олишга хизмат қилган. *Иқтисодий самарадорлик:* патологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ҳисобига асоратларни даволаш, қўшимча муолажалар ва такрорий мурожаатлар харажатлари камайиб, иқтисодий самара 2150000 сўмни ташкил этган. *Хулоса:* ишлаб чиқилган клиник-диагностик мезонлар шиллиқ қаватдаги патологик ўзгаришларни эрта ва дифференциал аниқлаш, даволаш тактикасини ўз вақтида белгилаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: оғиз бўшлиғи ва олинадиган протезлар юзасининг гигиеник ҳолати кўрсаткичлари ҳамда шиллиқ қават яллиғланишининг оғирлик даражаси ўртасидаги статистик жиҳатдан ишончли корреляцион боғлиқлик илк бор аниқланиб, гигиеник омилларнинг патогенетик роли тасдиқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* протез гигиена индекси (ПГИ) асосида оғиз бўшлиғи ва протез юзаси гигиеник ҳолатини объектив баҳолаш методикаси такомиллаштирилиб, протездан оқилона фойдаланиш ва уни парвариш қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* «Олинадиган тиш протезларининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025-йил 27-декабрдаги №25-m/380-сон қарори билан тасдиқланган) асосида олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти Стоматология поликлиникаси (2026-йил 28-мартдаги 39-сон буйруқ) ҳамда Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси давлат муассасаси (2026-йил 3-апрелдаги 16-сон буйруқ) клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* даволашгача OHI-S 2,07–2,10, ПГИ 2,31–2,49 балл бўлиб, ПГИ умумий клиник индекс билан тўғри боғлиқ бўлган ($\rho=0,386$; $p<0,001$); тавсиялар жорий этилгач OHI-S 34% га (анъанавий усулда 18%), ПГИ 46% га (анъанавий усулда 22–26%) камайиб ($p\leq0,008$), протез стоматитининг олдини олиш ва такрорий мурожаатларни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* протез стоматити ва унинг асоратларини даволаш харажатларининг камайиши ҳисобига иқтисодий самара 2483000 сўмни ташкил этган. *Хулоса:* протез гигиенасини объектив баҳолаш ва индивидуал гигиеник тавсиялар профилактика ва даволаш чораларининг самарадорлигини оширган;

учинчи илмий янгилик: олинадиган протезлардан фойдаланувчи беморларда оғиз бўшлиғининг микробиологик ҳолати (микрофлора таркиби ва

зичлиги) аниқланиб, ажратиб олинган микроорганизмларнинг шиллиқ қават яллиғланиши ривожланишидаги этиопатогенетик аҳамияти асосланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* оғиз бўшлиғи микробиоценозини баҳолаш ва аниқланган ўзгаришларга асосланган мақсадли, жумладан этиотроп ва антифунгал даволашни танлаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* «Олинадиган тиш протезларининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025-йил 27-декабрдаги №25-m/380-сон қарори билан тасдиқланган) асосида олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти Стоматология поликлиникаси (2026-йил 28-мартдаги 39-сон буйруқ) ҳамда Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси давлат муассасаси (2026-йил 3-апрелдаги 16-сон буйруқ) клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* алгоритм асосидаги комплекс даводан сўнг *C. albicans* 4,8 lg га (99,9% дан ортиқ), *S. aureus* 4,2–4,4 lg га анъанавий усулдагидан ишончли кўп камайган ($p<0,05$), резидент *S. salivarius* эса патогенларга нисбатан камроқ (0,5–2,2 lg) камайган; бу касалликнинг қайталаниш хавфини камайтиришга хизмат қилган. *Иқтисодий самарадорлик:* самарасиз дори воситалари ва қайталаниш билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши ҳисобига иқтисодий самара 2700000 сўмни ташкил этган. *Хулоса:* алгоритм асосий патогенлар (*C. albicans, S. aureus*) миқдорини камайтириш ва комплекс даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: олинадиган протезлар билан боғлиқ оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланишини даволашда халқ табобати асосидаги комплекс даволаш усули ишлаб чиқилиб, унинг клиник самарадорлиги анъанавий даволаш усуллари билан қиёсий таққослаш асосида исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* усулнинг маҳаллий, арзон ўсимлик хомашёсига асосланганлиги, клиник белгиларни 3–7-кунданоқ сусайтириши, эпителий регенерациясини бошланғич қийматга нисбатан 78–82% га ошириши ва *Candida albicans* миқдорини кескин камайтириши билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* «Олинадиган тиш протезларининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025-йил 27-декабрдаги №25-m/380-сон қарори билан тасдиқланган) асосида олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилояти Стоматология поликлиникаси (2026-йил 28-мартдаги 39-сон буйруқ) ҳамда Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси давлат муассасаси (2026-йил 3-апрелдаги 16-сон буйруқ) клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* оғриқ ва яллиғланиш белгиларининг тезроқ бартараф этилиши, эпителий регенерациясининг яхшиланиши ҳамда беморлар ҳаёт сифатининг ошишига хизмат қилган. *Иқтисодий самарадорлик:* бир бемор учун даволаш харажати 215550 сўмдан 129330 сўмгача (86220 сўм; 40%) камайиб, иқтисодий самара 5600000 сўмни, тўртала илмий натижа бўйича эса 12933000 сўмни ташкил

этган. *Хулоса:* усул клиник, микробиологик ва функционал кўрсаткичларни яхшилаб, беморлар ҳаёт сифатини оширган ва даволаш харажатларини камайтирган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация шартли белгилар ва атамалар рўйхати, кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгиланган, объекти ва предмети баён этилган, қўлланилган тадқиқот усуллари келтирилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Олинадиган протезлар таъсирида келиб чиқадиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қават касалликларининг этиопатогенези ва даволаш тўғрисида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида олинадиган протезларнинг шиллиқ қаватга таъсири, протез стоматитининг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, даволаш ва профилактикасига оид замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Протез стоматити олинадиган протездан фойдаланувчи беморларнинг 20–80%ида учраши, *Candida albicans* унинг етакчи этиологик агенти ҳисобланиши; протезни кечаси ечмаслик, протез нобарқарорлиги, альвеоляр ўсиқ сўрилиши, гипосаливация ва оғиз суюқлиги pH-нинг кислотали томонга силжиши мустақил хавф омиллари сифатида кўрсатилган. Қизилмия илдизидаги глицирризин кислотаси ва флавоноидлар яллиғланишга қарши, антиоксидант ва антифунгал таъсирга эга бўлса-да, бу воситанинг олинадиган протезлар билан боғлиқ шиллиқ қават яллиғланишидаги клиник самарадорлиги тизимли ўрганилмаган; айнан шу илмий бўшлиқ тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берган.

Диссертациянинг **«Олинадиган протезлар таъсирида келиб чиқадиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қават касалликларини даволашни такомиллаштиришда материал ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, беморлар тавсифи ва текшириш усуллари ёритилган. Проспектив қиёсий клиник тадқиқот 2023–2025-йилларда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Стоматология ўқув-илмий-амалий марказида олинадиган пластинкали протездан фойдаланувчи, протез стоматити белгилари аниқланган 45–74 ёшдаги 131 нафар беморда ўтказилган. Беморлар тишсизлик тури бўйича қисман (n=91; 69,5%) ва тўлиқ (n=40; 30,5%) тишсизлик гуруҳларига, сўнгра ҳар бир гуруҳ ичида тасодифий сонлар жадвали ёрдамида анъанавий ва комплекс даволаш кичик гуруҳларига ажратилган (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг гуруҳлар, даволаш усули, жинс ва ёш бўйича тақсимоти

Гуруҳ	Ташхис, даволаш усули	n	Эркак, n (%)	Аёл, n (%)	Ўртача ёш, M±m
1А	Қисман, анъанавий	43	22 (51,2)	21 (48,8)	53,7±1,0
1Б	Қисман, комплекс	48	20 (41,7)	28 (58,3)	53,5±1,0
2А	Тўлиқ, анъанавий	19	5 (26,3)	14 (73,7)	63,1±1,9
2Б	Тўлиқ, комплекс	21	7 (33,3)	14 (66,7)	62,5±1,9
Жами	—	131	54 (41,2)	77 (58,8)	—


Изоҳ: қисман тишсизликда ўртача ёш 53,6±0,7, тўлиқ тишсизликда 62,8±1,3 ёш (p<0,001).

Тадқиқотга 45–74 ёш оралиғидаги, қисман ёки тўлиқ тишсизлик сабабли олинадиган пластинкали протездан фойдаланаётган, протез стоматитининг клиник белгилари мавжуд бўлган, оғир соматик патологияси бўлмаган беморлар киритилган.

Декомпенсацияланган оғир соматик ёки иммунотанқислик ҳолатлари, қандли диабет, оғиз бўшлиғининг бошқа ўткир яллиғланиш касалликлари ёки ўсмалари мавжуд бўлган, сўнгги 1 ой ичида маҳаллий ёки тизимли антибактериал, яллиғланишга қарши ёки замбуруғга қарши дори воситаларини қабул қилган, шунингдек кузатув шартларига риоя қила олмайдиган беморлар тадқиқотдан чиқарилган.

Протез стоматити оғирлиги Newton таснифи (1962) бўйича аниқланган; шиш, эрозия ва атрофия 0–3, қонаш 0–2 баллик шкалада, оғриқ синдроми визуал аналог шкала (VAS, 0–10 балл) бўйича баҳоланган; умумий клиник индекс сифатида олтита балли белги — шиш, эрозия, қонаш, атрофик ўзгаришлар, Newton даражаси ва протез ости реактивлиги ўртачаси ҳисобланган (VAS алоҳида таҳлил қилинган). Гигиеник ҳолат OHI-S (фақат қисман тишсизликда) ва протез гигиена индекси (ПГИ, 0–3 балл), оғиз суюқлиги — сўлак ажралиш тезлиги ва pH, эпителий регенерацияси эса бутун эпителий майдонининг протез ўрни майдонига нисбати (%) бўйича баҳоланган. Тишлов (окклюзион) баландлиги субнасале–гнатион оралиғи бўйича ўлчанган, ҳаёт сифати OHIP-14 сўровномаси (0–56 балл), протезга мослашув 1–5 баллик шкала бўйича баҳоланган. Барча кўрсаткичлар даволашдан олдин ҳамда 3 кун, 7 кун ва 1 ой ўтгач қайд этилган. Клиник-

диагностик мезонлар шиллиқ қаватдаги яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришларни тишсизлик тури, протездан фойдаланиш муддати ва бемор ёшига боғлиқ ҳолда балли кўрсаткичлар асосида дифференциал баҳолашни ҳамда тишлов (окклюзион) баландлигини антропометрик баҳолашни ўз ичига олган; микробиоценозни баҳолаш алгоритми протез ўрни шиллиқ қавати ва протез юзасидан олинган суртмаларда микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш ва улар асосида мақсадли (этиотроп, жумладан антифунгал) даволаш тактикасини танлашга қаратилган. Натижалар IBM SPSS Statistics 26 ва Microsoft Excel дастурларида қайта ишланган: тақсимот нормаллиги Шапиро–Уилк мезони билан текширилиб, гуруҳлараро фарқлар Стьюдент t-мезони ёки Манн–Уитни U-мезони, гуруҳ ичидаги ўзгаришлар жуфтлашган t-мезон ёки Уилкоксон мезони, сифат кўрсаткичлари Пирсон χ^2 ва Фишер аниқ мезони, ўзаро боғлиқлик Спирмен корреляция коэффициенти (ρ) ёрдамида баҳоланган; фарқлар $p<0,05$ да ишончли деб қабул қилинган. Протез ўрни шиллиқ қавати ва протез ички юзасидан олинган суртмалар қонли агар, тухум сариғи-тузли агар ва Сабуро декстрозали агарга экилиб, олтита микроорганизм (*S. aureus, E. faecalis, S. mutans, S. salivarius, C. albicans, C. tropicalis*) миқдори КҲБ/мл да аниқланган (1-расм).



1-расм. Оғиз бўшлиғи микрофлорасининг озиқа муҳитларида ўсиши: а — қонли агарда бактериал колониялар (секторли экиш усули); б — электив озиқа муҳитида микроб ўсиши

Даволаш протоколлари. Ҳар икки гуруҳда бир хил базавий парвариш ўтказилган. Анъанавий схемада 3%-ли водород пероксиди эритмаси билан антисептик ишлов, нистатин (100 000 ТБ/мл) билан 7 кун топик антифунгал даво, кўрсатма бўлганда метрогил, шунингдек топик яллиғланишга қарши воситалар қўлланилган. Комплекс схемада маҳаллий антисептик ва антифунгал воситалар ўрнига қизилмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи дамламаси (1:10, ҳар куни янгидан тайёрланган) ишлатилган: унга тўйинтирилган стерил тампон протез ўрнига 15 дақиқадан кунига 2 марта 7 кун давомида қўйилган, протез ҳар куни дамламада 20–30 дақиқа ивитилган. Кератопластик воситалар (А витамини ёғ эритмаси, солкосерил малҳами) ҳар иккала гуруҳда бир хил кўрсатма бўйича қўлланилган.

Диссертациянинг **«Олинадиган тиш протезлари билан протезланганда келиб чиқадиган шиллиқ қават касалликлари бор беморлар стоматологик ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқот**

натижалари» деб номланган учинчи бобида даволашгача бўлган ҳолат ёритилган. Бу бобда беморларнинг стоматологик ҳолати клиник кўрик, шиллиқ қават ўзгаришларини баҳолаш ва протез ости тўқималари ҳолатини таҳлил қилиш асосида тишсизлик турига кўра қиёсий ўрганилган.

Гиперемия ва шиш барча беморларда қайд этилган. Эрозия, қонаш ва атрофик ўзгаришлар қисман тишсизликда 81,4–95,8%, тўлиқ тишсизликда эса 89,5–100% беморда учраган. Тўлиқ тишсизликда қонаш (p=0,022), атрофик ўзгаришлар (p=0,015), протез ости реактивлиги (p=0,036) ва ПГИ (p=0,022) ишончли юқори, эпителий регенерацияси эса пастроқ бўлган (p=0,007). Шиш, эрозия ва оғриқ синдроми бўйича гуруҳлар таққосланувчан бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Даволашгача шиллиқ қаватнинг клиник, гигиеник ва функционал кўрсаткичлари (M±m)


Кўрсаткич	Қисман (n=91)	Тўлиқ (n=40)	p
Шиш, балл	1,99±0,06	1,95±0,08	0,707
Эрозия, балл	1,54±0,07	1,50±0,11	0,900
Қонаш, балл	1,07±0,06	1,32±0,09	0,022
Атрофик ўзгаришлар, балл	1,48±0,07	1,80±0,10	0,015
Newton даражаси, балл	2,16±0,06	2,35±0,10	0,079
Протез ости реактивлиги, балл	2,04±0,06	2,27±0,09	0,036
Оғриқ синдроми (VAS), балл	5,79±0,17	5,90±0,22	0,598
OHI-S, балл	2,09±0,03	—	—
Протез гигиена индекси, балл	2,31±0,04	2,47±0,08	0,022
Эпителий регенерацияси, %	38,33±0,64	34,60±1,08	0,007
Сўлак ажралиш тезлиги, мл/мин	0,276±0,006	0,248±0,009	0,017
Оғиз суюқлиги pH	6,47±0,03	6,09±0,04	<0,001

Изоҳ: p — Манн–Уитни U-мезони; тўлиқ тишсизликда тишлар мавжуд бўлмагани сабабли OHI-S аниқланмаган.

Newton таснифи бўйича ҳар иккала тишсизлик турида II даража устунлик қилган (қисман тишсизликда 65,9%, тўлиқ тишсизликда 50,0%). III даража эса тўлиқ тишсизликда кўпроқ учраган (42,5% га нисбатан 25,3%; χ^2, p=0,142). Даражалар тақсимотидаги фарқ статистик ишончли бўлмаса-да, тўлиқ тишсизликда оғир шаклларнинг кўпроқ учраши касалликнинг тарқоқроқ ва оғирроқ кечишга мойиллигидан далолат берган. Шундай қилиб, даволашгача бўлган маълумотлар тўлиқ тишсизлик билан протезланган беморларда шиллиқ қават касаллиги оғирроқ кечишини кўрсатган. Бу эса даволаш тадбирларини тишсизлик тури ва жараён оғирлигини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш зарурлигини асослаган (2-расм).

Тишсизлик тури бемор ёши билан қонуний боғлиқ бўлган: қисман тишсизликдаги беморлар асосан 45–59 ёш (ўртача 53,6 ёш), тўлиқ тишсизликдагилар эса асосан 60–74 ёш (ўртача 62,8 ёш) тоифасига мансуб бўлган (p<0,001); шу боис тўлиқ тишсизликдаги оғирроқ ўзгаришлар ёшга боғлиқ инволютив жараёнлар билан биргаликда талқин қилинган. Бу фарқлар тўлиқ тишсизликда протез базисидан тушадиган юкламанинг бутун таянч шиллиқ қаватга тарқалиши ва протез ости тўқималарининг доимий механик таъсирга кўпроқ учраши билан изоҳланган. Эпителий регенерациясининг

пасайиши эса тўлиқ тишсизликда шиллиқ қаватнинг тикланиш имкониятлари чекланганлигини ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечишга мойиллигини кўрсатган.



2-расм. Протез стоматитининг Newton даражаси бўйича тақсимоти (%)


Кичик гуруҳлар кесимида Newton II даража 1А гуруҳида 69,8%, 1Б да 62,5%, 2А да 57,9%, 2Б да 42,9% ни, III даража эса мос равишда 23,3%, 27,1%, 31,6% ва 52,4% ни ташкил этган. Анъанавий ва комплекс кичик гуруҳлар бошланғич кўрсаткичлар бўйича таққосланувчан бўлган ($p>0,05$); истиснолар — 1Б кичик гуруҳида оғиз суюқлиги pH юқорироқ бўлгани (6,69±0,02 га нисбатан 6,24±0,03; $p<0,001$) сабабли pH бўйича гуруҳлараро самарадорлик хулосаси чиқарилмаган, 1А кичик гуруҳида *E. faecalis* ва *C. tropicalis* бошланғич миқдори юқорироқ бўлгани сабабли улар бўйича усуллар устунлиги баҳоланмаган, 2Б кичик гуруҳидаги юқорироқ Newton III улуши ва OHIP-14 бошланғич бали ($p>0,05$) эса талқинда ҳисобга олинган.

Даволашгача OHI-S қисман тишсизликда 2,07–2,10 балл («қониқарли» даража), ПГИ 2,31–2,49 балл (кичик гуруҳлар кесимидаги оралиқ; гуруҳлар бўйича ўртача 2,31 ва 2,47 балл) бўлиб, ПГИ умумий клиник индекс билан ($n=131$; $\rho=0,386$; $p<0,001$), OHI-S эса қисман тишсизликда ($n=91$; $\rho=0,258$; $p=0,014$) ишончли тўғри боғлиқ бўлган. Сўлак ажралиш тезлиги физиологик меъёрдан (0,3–0,4 мл/мин) паст, pH кислотали томонга силжиган бўлиб, бу ўзгаришлар тўлиқ тишсизликда чуқурроқ бўлган.

Тўлиқ тишсизликда яллиғланиш кўпроқ бутун танглай юзасини қамраб олган ва папилляр гиперплазия улуши юқорироқ бўлган; бу тўлиқ протезнинг таянч юзаси кенглиги, механик босимнинг кучайиши ва сўлак алмашинувининг чекланиши билан изоҳланган (3-расм).

Тишлов (окклюзион) баландлиги протезсиз ҳолатда қисман тишсизликда 62,9±0,1 мм, тўлиқ тишсизликда 59,0±0,2 мм бўлган. Протез ўрнатилгандан сўнг у мос равишда 64,5±0,2 ва 64,8±0,2 мм гача ошган ($\Delta=1,6$ ва 5,8 мм; $p<0,001$). Тўлиқ тишсизликда тишлов баландлигининг сезиларли даражада тикланиши протезсиз ҳолатда юз пастки учдан бир қисми баландлигининг

яққол камайганини кўрсатган. Бу эса протез ости шиллиқ қаватига тушадиган юкламанинг ортишига сабаб бўлиши эҳтимол тутилган.



3-расм. Беморда оғиз бўшлиғининг клиник кўриниши: а — юқори жағ, протез қўйилгандан кейин танглайда стоматит ривожланган; б — ўша бемор, протез оғизга ўрнатилган ҳолатда

Микробиологик текширувда протез ўрни шиллиқ қавати ва протез ички юзасидан олтита микроорганизм ажратилган; уларнинг миқдорий тақсимоти тишсизлик турига кўра қиёсий таҳлил қилинган (3-жадвал).

3-жадвал

Даволашгача оғиз бўшлиғи микроорганизмлари миқдори (M±m, ×10⁶ КҲБ/мл)


Микроорганизм	Қисман (n=91)	Тўлиқ (n=40)	p
Staphylococcus aureus	2,00±0,29	1,81±0,46	0,190
Enterococcus faecalis	0,80±0,16	0,19±0,04	<0,001
Streptococcus mutans	2,63±0,29	0,15±0,04	<0,001
Streptococcus salivarius	33,32±3,37	27,70±5,59	0,038
Candida albicans	3,05±0,32	2,60±0,45	0,593
Candida tropicalis	0,73±0,16	0,029±0,005	<0,001

Изоҳ: p — Манн–Уитни U-мезони (кўрсаткичлар тақсимоти асимметрик).

Текширилган барча беморларда олтита микроорганизм ажратилган; иккала гуруҳда ҳам комменсал *S. salivarius* етакчилик қилган, унинг миқдори қисман тишсизликда ишончли юқори бўлган (p=0,038). *C. albicans* ва *S. aureus* ҳар иккала гуруҳда юқори миқдорда аниқланиб, улар бўйича гуруҳлар таққосланувчан бўлган (p=0,593 ва p=0,190). Қисман тишсизликда *S. mutans*, *E. faecalis* ва *C. tropicalis* ишончли кўп бўлган (p<0,001): биринчиси қолдиқ тишлар, қолганлари 1А кичик гуруҳи ҳисобига бўлган. Даволашгача микроорганизмлар миқдори клиник оғирлик даражаси билан бевосита корреляцияланмаган бўлса-да, *C. albicans* ва *S. aureus* нинг барча беморларда юқори миқдорда аниқланиши ва даволашдан сўнг улар кўпроқ камайган гуруҳларда клиник яхшиланишнинг ҳам кўпроқ бўлиши уларнинг касаллик ривожланишидаги етакчи ўрнини кўрсатган.

Беморларнинг оғиз саломатлиги билан боғлиқ ҳаёт сифати даволашдан олдин сезиларли пасайган: OHIP-14 интеграл кўрсаткичи (14 банд ўртачаси)

қисман ва тўлиқ тишсизликда 2,00±0,07 ва 2,00±0,12 баллни ташкил этган (p=0,978). Энг юқори баллар «жисмоний оғриқ» (2,60 ва 2,35) ва «психологик дискомфорт» (2,29 ва 2,34) соҳаларида қайд этилган. Доменлар бўйича гуруҳлараро фарқ 0,00–0,25 балл оралиғида бўлиб, статистик аҳамиятга эга бўлмаган (p=0,11–0,90; 4-расм).



4-расм. OHIP-14 еттита ўлчами бўйича даволашгача профил (балл)

Диссертациянинг **«Олинадиган протезлар билан протезланганда келиб чиқадиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қават касалликларини комплекс даволаш усулидан кейинги натижалар»** деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган усул ва унинг натижалари ёритилган.

Даволашнинг клиник натижалари ҳар тўртала гуруҳда ишончли ижобий динамикани кўрсатган, бироқ яхшиланиш даражаси комплекс даво гуруҳларида сезиларли юқори бўлган. Умумий клиник индекс комплекс даво гуруҳларида 61,6% ва 67,2%, анъанавий гуруҳларда 34,9% ва 27,9% га яхшиланган (1 ойлик фарқ ҳар иккаласида p<0,001).

Атрофия белгилари барча гуруҳларда ишончли камайган (Уилкоксон мезони, p<0,001), комплекс даво гуруҳларида яхшиланиш улуши юқорироқ бўлган (1Б гуруҳида 48%, 1А гуруҳида 38%; 2Б гуруҳида 58%, 2А гуруҳида 44%), бироқ 1 ойлик якуний қийматлар бўйича гуруҳлараро фарқ статистик аҳамиятга етмаган (p=0,282 ва p=0,632). Бу кератопластик воситаларнинг ҳар иккала гуруҳда бир хил қўлланилгани ва атрофиянинг секин тикланувчи структуравий белги экани билан изоҳланган. Комплекс даволашнинг таъсири эртароқ бошланган: 3-кундаёқ 1Б гуруҳида шиш, Newton даражаси ва оғриқ синдроми пасайган бўлса, 1А гуруҳида бу кўрсаткичлар ўзгармаган ёки бироз ортган (p≤0,001; 4-жадвал).


4-жадвал

Шиллиқ қават асосий клиник кўрсаткичларининг динамикаси (M±m, балл)

Кўрсаткич	Гуруҳ	Даволашдан олдин	3 кун	7 кун	1 ой
Шиш	1А	1,95±0,06	1,98±0,07	1,53±0,10	1,21±0,11
	1Б	2,02±0,10	1,52±0,10	1,04±0,09	0,73±0,09
	2А	1,95±0,12	2,21±0,14	1,84±0,16	1,58±0,18
	2Б	1,95±0,11	1,48±0,13	0,86±0,16	0,43±0,15
Эрозия	1А	1,49±0,09	1,56±0,10	1,12±0,10	1,00±0,10
	1Б	1,58±0,11	1,27±0,12	0,81±0,11	0,48±0,09
	2А	1,37±0,16	1,53±0,19	1,32±0,17	1,05±0,19
	2Б	1,62±0,16	1,33±0,17	0,81±0,18	0,33±0,16
Newton даражаси	1А	2,16±0,08	2,28±0,09	1,88±0,09	1,49±0,11
	1Б	2,17±0,09	1,83±0,09	1,17±0,10	0,83±0,11
	2А	2,21±0,14	2,32±0,11	1,84±0,14	1,47±0,19
	2Б	2,48±0,13	1,86±0,13	1,33±0,17	0,95±0,18
Оғриқ синдроми (VAS)	1А	5,65±0,24	5,95±0,24	4,33±0,27	3,30±0,30
	1Б	5,92±0,24	4,56±0,27	2,71±0,27	1,77±0,26
	2А	5,68±0,33	6,05±0,36	4,74±0,36	3,89±0,43
	2Б	6,10±0,28	4,76±0,31	3,19±0,38	2,33±0,39

Изоҳ: барча гуруҳларда даволашдан олдинги ва 1 ойдан кейинги ҳолат ўртасидаги фарқ ишончли (Уилкоксон мезони; p<0,05–0,001).

Умумий клиник индекс 1Б гуруҳида 3-кундан бошлаб барча муддатларда 1А гуруҳидагига нисбатан ишончли паст бўлган (ҳар учала муддатда p<0,001; 5-расм). Протезга мослашув ҳар тўртала гуруҳда ишончли яхшиланган (51–71%; p<0,01), бироқ усуллар ўртасида фарқ аниқланмаган (p=0,668 ва p=0,989).



5-расм. 1А ва 1Б гуруҳларида умумий клиник индекснинг даволаш босқичлари бўйича ўзгариши (балл)

Нисбий яхшиланиш улуши бўйича таққослаш комплекс давонинг устунлигини яққол кўрсатган: атрофия белгиларидан ташқари барча кўрсаткичлар ва умумий клиник индекс бўйича 1 ойлик якуний қийматлар комплекс даво фойдасига ишончли фарқ қилган (5-жадвал). Клиник жиҳатдан муҳим мезон — 1 ойдан кейин оғриқнинг енгил даражагача (VAS ≤3 балл)

пасайиши — 1Б гуруҳида 81,2% (39/48), 1А гуруҳида 55,8% (24/43) беморда қайд этилган (Фишер мезони, p=0,012); тўлиқ тишсизликда бу улуш 2Б гуруҳида 61,9%, 2А гуруҳида 36,8% ни ташкил этган (p=0,205).

5-жадвал

